

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭКСПОРТ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ МОЛИЯВИЙ РАЎБАТЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Н.Р.Кузиева

Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент, Ўзбекистон

Мақолада мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялаш ва диверсификация қилиш шароитида ташқи савдо ҳажми ва экспортни тизимли равишда жадал оширишга қаратилган таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, рақобатбардош афзалликларга эга бўлган тармоқларда экспорт ҳажмларининг салмоқли ўсишини таъминлаш, экспорт қилувчи корхоналар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш механизмини янада такомиллаштириш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш бўйича давлат дастурларини амалга оширишда кўмаклашиш ҳамда экспорт қилувчи корхоналар фаолиятини молиявий рағбатлантириш ва такомиллаштириш масалалари ўз ифодасини топган.

Калит сўзлар: экспорт оперециялари, экспортёр-корхоналар, экспорт улуши, солиқ ставкаси, солиқ имтиёзлари, преференциялар, фойда солиғи, мол-мулк солиғи, ягона солиқ тўлови, божхона расмийлаштируви.

В статье изложены основные направления системного развития экспорта, повышения объёма внешнего товарооборота, обеспечение объёмного роста экспорта в сферах, имеющих конкурентоспособность, развитие механизма финансовой поддержки деятельности предприятий занимающихся экспортом, поддержка выполнения государственных программ по развитию возможностей экспорта, а также оптимизации и финансового стимулирования деятельности этих предприятий.


Ключевые слова: экспортные операции, предприятия-экспортёры, доля экспорта, налоговая ставка, налоговые льготы, преференции, налог на прибыль, налог на имущество, единый налоговый платеж, таможенное оформление.

КИРИШ

Мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, замонавий бозор инфратузилмасини шакллантириш шароитида мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, жаҳон бозорларига рақобатдош, янги ва қайта ишланган маҳсулотларини экспортга етказиб бериш ҳажмлари ва турларини кўпайтириш, маҳсулотларни экспортга чиқаришнинг замонавий талабларга мос савдо-логистика инфратузилмасини жадал ривожлантириш – муҳим усувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Бу борада Президентимиз Ш.Мирзиёев 2019 йилда олдимизда турган муҳим вазифаларга тўхталиб: “Иқтисодиётимизни жаҳон бозорига интеграция қилиш ва экспортни қўллаб-қувватлаш устувор вазифадир. Келгуси йили экспорт ҳажмини 30 фоизга ошириб, 18 миллиард долларга етказишни мақсад қилиб қўймоқдамиз. Биз экспортга йўналтирилган иқтисодиётга ўтишимиз, ички бозорда рақобат муҳитини шакллантиришимиз зарур.”[1]–ўтдилар.

Республикада 2019 йил январь охи ҳолатига ташқи савдо айланмаси 3 351 428,8 минг АҚШ долларини ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 26,8 % га ўсди. Бунда экспорт ҳажми 1 675 729,9 минг АҚШ долларга (ўсиш суръати 16,6%) ва импорт ҳажми 1 675 698,9 минг АҚШ долларга (ўсиш суръати 38,9%) етди. Ташқи савдо сальдоси 31,0 минг АҚШ долларни ташкил этди. [2]



1-расм. Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмаси¹

2019 йилнинг январь ойида экспорт қилинган товар ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 238,4 млн. АҚШ долларга кўпроқ экспорт қилинди, товар ва хизматлар импорти ҳажми эса ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 469,4 млн. АҚШ долларига кўп бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 20 мартдаги **“Экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги ПФ-1411-сонли Фармонида кўра, 1996 йилнинг 1 апрелидан бошлаб экспорт қилувчиларга илгари жорий қилинган фискал имтиёзлар бекор қилинди ва товарларга солинадиган даромад (фойда) солиғининг дифференциал ставкалари, уларнинг ишлаб чиқарувчилар томонидан қайта ишланиш даражасига боғлиқ равишда қилиб белгиланди. Экспорт қилувчи корхоналар экспортга жўнатиладиган товарларни ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган моддий ресурслар учун қўшимча қиймат солиғи тўлашдан озод қилинди. [3]

Мамлакатнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва экспортга етказиб беришни кенгайтириш мақсадида 1997 йилнинг 1 ноябридан бошлаб эса сотилаётган маҳсулот ҳажмида экспорт улуши 30 фоиз ва ундан кўп бўлган корхоналар учун фойдага солинадиган солиқ ставкаси 2 маротаба пасайтирилди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг www.stat.uz сайти маълумотлари.

2008-2010 йилларда мамлакатимизни ривожлантириш, янгилаш ва модернизация қилиш бўйича танлаган стратегия ва Инқирозга қарши қабул қилинган дастурни амалга ошириш натижалари сифатида экспорт қилувчи корхоналарнинг ишлаб чиқарган маҳсулотнинг умумий сотув ҳажмида экспорт товарлари улушига қараб фойда солиғи, мол-мулк солиғи ва кичик бизнес субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкалари пасайтирилиб берилди.

2018 йил 1 апрелига қадар экспорт қилувчи корхоналар (хом ашё товарларини сотиш бундан мустасно) учун фойда солиғи ва мулк солиғи ставкаси умумий сотиш ҳажмида ўзи ишлаб чиқарган ва эркин алмаштириладиган валютага сотилган товар (иш, хизмат)лар экспортидаги улушига боғлиқ ҳолда камайтирилган:

- экспорт улуши 15 фоиздан 30 фоизгача миқдорда бўлганида - 30 фоизга;

- экспорт улуши 30 ва ундан кўпроқ фоиз бўлганида - 2 маротаба.

- Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси қуйидагича камайтирилган:

- умумий сотиш ҳажмида экспорт улуши 15 фоиздан 30 фоизгача бўлганида 30 фоизга;

- экспорт улуши 30 ва ундан кўпроқ бўлганида - 2 маротаба.

Бугунги кунда Республикамизда экспортга маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш мақсадида экспорт қилувчи корхоналар учун қуйидаги солиқ имтиёзлари ва афзалликлари тизими яратилган:

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексининг 230-моддасига кўра, акциз тўланадиган товарларни уларнинг ишлаб чиқарувчилари томонидан экспортга реализация қилишга акциз солиғи солинмайди, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган акциз тўланадиган товарларнинг айрим турлари бундан мустасно.

- Товарларни чет эл валютасида экспортга реализация қилиш (қимматбаҳо металллар бундан мустасно) оборотига ноль даражали ставка бўйича қўшилган қиймат солиғи солинади.

- Сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш, маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мувофиқлигини сертификациядан ўтказиш, шунингдек, лаборатория тестлари ва синовларини ўтказиш комплексларини харид қилишга йўналтириладиган маблағларга янги технологик ускуналарни сотиб олишда назарда тутилган ягона солиқ тўлови бўйича солиқ солинадиган базани камайтиришнинг амалдаги тартиби микрофирмалар ва кичик корхоналар учун тадбиқ этилди.

Мамлакатимиз экспорт салоҳиятини кенгайтириш, экспорт қилувчи ташкилотларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, рақобатбардош экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг кўпайтирилишини рағбатлантириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 ноябрдаги "Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5587-сонли Фармони алоҳида аҳамиятга эга бўлди. [4]

Фармонга кўра, 2019 йил 1 январдан бошлаб товарлар (ишлар, хизматлар)ни, шу жумладан комиссионер (ишончли вакил) орқали реализация қилишдан тушган умумий тушумида экспорт улуши 15 фоиздан юқори бўлган юридик шахслар солиқ солинадиган базани:

■товарлар (ишлар, хизматлар) ни экспортга реализация қилиш ҳажмига тўғри келадиган фойда қисми юзасидан юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича;

■товарлар (ишлар, хизматлар) ни экспортга реализация қилиш ҳажмига тўғри келадиган қисми юзасидан ягона солиқ тўлови бўйича камайтирадилар.

Ушбу берилган имтиёзлар ва преференциялар натижасида, жаҳон бозорларидаги конъюнктуранинг сезиларли ўзгаришларига қарамай, мамлакатимизда охириги йиллар ичида маҳсулотлар экспортини ўсганлигини, унинг тузилмасини диверсификация қилиш таъминланиб, экспорт умумий ҳажмида тайёр маҳсулотларнинг улуши ортаётганлигини кўришимиз мумкин.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Мамлакатимиз молия ва солиқ тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари, шу жумладан, экспорт-импорт операцияларини молиявий рағбатлантириш, солиққа тортишнинг айрим масалалари қатор хорижий ва маҳаллий олимлари томонидан ўрганилган. Мазкур масала бўйича илмий тадқиқот олиб борган хорижлик олим Ж.А.Брутон мамлакатда экспорт операцияларини ривожлантириш ва рағбатлантириш билан бир қаторда импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналарни ҳам бир вақтда рағбатлантириш зарурлигини асослайди ва “импорт ўрнини босиш стратегия”сини таклиф этади.[5] Хорижлик олим Эдвардс С. Опеннесс эса ўз тадқиқотида “импорт ўрнини босиш стратегияси”ни қатор камчиликларини кўрсатиб ўтади, хусусан:

- Мамлакатда юқори ҳимоя остидаги айрим тармоқларнинг фаолияти самарасиз бўлади ва иқтисодиёт учун кўп харажатли бўлишига олиб келади;
- Стратегия фақат белгиланган давр мобайнида ўз ижобий натижасини беради. Миллий ички бозор маълум миқдордаги тўйинганликдан сўнг, стратегия ишлашни тўхтатади.[6]

Россиялик олимлардан В.Князев, Н.Миляков, М.Романовский, Р.Климов, А.Пахомов, А.Жариновлар ҳам ушбу масала юзасидан ўз илмий изланишларини олиб борганлар. Хусусан, Р.Климов ўз тадқиқот ишида мамлакат иқтисодий ўсишини таъминлашда экспорт операцияларини рағбатлантириш масалаларини таҳлил қилган бўлса, А.Пахомов илмий ишида мамлакатдан тўғридан-тўғри инвестицияларни экспорт қилишнинг устувор йўналишлари белгилаб берилган. А.Жиринов ўз илмий тадқиқотида хорижий мамлакатларда экспортни қўллаб-қувватлаш тизими таҳлил қилиниб, ушбу тизимни такомиллаштиришда таъсир этувчи омиллар гуруҳи ўрганилган. [7]

Маҳаллий олимларимиздан Ф.Шарипов илмий тадқиқотида экспорт-импорт операцияларини солиққа тортиш механизминини такомиллаштиришга қаратилган қатор илмий ва амалий таклифлар келтирилган. М.Камилов тадқиқотида

қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш механизми ва экспорт-импорт операцияларини бажаришда солиққа тортиш тартибидаги муаммолар алоҳида тадқиқ қилинган. Д.Абдиқаримова ўз илмий ишида технологик ускуналар сотиб олиш учун хорижий валютада ажратилаётган кредитлар бўйича гаров таъминоти сифатида ускуналарни қабул қилиш билан бирга экспорт операцияларини ва шартномаларини ҳам ҳисобга олиш тартибини ишлаб чиққан. [8]

Хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан экспорт операцияларини молиявий рағбатлантириш масалаларига доир олиб борилган тадқиқот ишларида мамлакатда экспорт-импорт операцияларини солиққа тортиш механизмидаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш масалалари тўлиқ тадқиқ этилмаганлигини инобатга оладиган бўлсак, мазкур масала бугунги кунда долзарб ҳисобланади ва илмий изланишларни давом эттиришни талаб этади.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Бугунги кунда Ўзбекистон жаҳон иқтисодиётига интеграциялашиш, мамлакатни дунёнинг бир қатор ривожланган давлатларидан бири сифатида ўрин эгаллашга қаратилгандир. 2019 йилнинг январь ойи ҳолати бўйича товарлар экспорти билан шуғулланувчи корхоналар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 81 тага кўпайган бўлиб, уларнинг сони 1037 тага етди.

2019 йил январь ойида экспорт ҳажми 1 675 729,9 минг АҚШ долларни (ўсиш суръати 16,6%) ташкил этди. Экспорт таркибида товарлар 88,0% улушга эга бўлиб, булар асосан энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари (14,8%), озик-овқат маҳсулотлари (3,6%), қора ва рангли металллар (5,3%) лар ҳиссасига тўғри келмоқда. Олтин ҳажмини ҳисобга олмаганда, жами товар ва хизматлар экспорти 863,6 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, 46,1% га ўсди.

Жадвал


Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмасида юқори улушга эга бўлган давлатлар²

Давлат номи	Ташқи савдо айланмаси	Экспорт	Импорт	Ташқи савдо айланмаси	
				Улуши, %	Ўзгариш суръати, %
Хитой	576,1	252,0	324,1	17,2	168,1
Россия	429,7	170,1	259,6	12,8	99,0
Қозоғистон	250,3	78,4	171,9	7,5	133,8
Корея Республикаси	246,1	5,5	240,7	7,3	2,6 б.
Туркия	154,6	78,6	76,0	4,6	165,6
Беларуссия	45,3	2,5	42,9	1,4	124,0
Туркменистон	42,7	5,0	37,7	1,3	3,3 б.
Германия	39,7	2,5	37,2	1,2	91,0
Литва	37,6	1,8	35,9	1,1	169,5
Япония	35,9	1,2	34,7	1,1	6,2 б.

² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг www.stat.uz сайти маълумотлари.

1-жадвал маълумотлари орқали, Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмасида юқори улушга эга бўлган 10 та давлат таркибини кўришимиз мумкин.

Экспорт қилинаётган товар ва хизматларнинг асосий қисми Хитой Халқ Республикаси ва Россия Федерацияси ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу эса умумий экспорт ҳажмининг 31,8% ини ташкил қилади. Хитой Халқ Республикаси ва Россия Федерациясига экспорт қилинаётган товарлар таркибини таҳлил қиладиган бўлсак, асосан энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари, кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари гуруҳларидан иборат эканлигини кўриш мумкин.



2-расм. Ташқи савдо айланмасида экспорт ва импорт улуши, %³

Иқтисодиётда таркибий ўзгартиришларни амалга ошириш, кимё саноатини модернизациялаш ва диверсификациялаш, бой минерал-хом ашё ресурсларининг захираларини янада чуқур қайта ишлашни таъминлаш, экспортга йўналтирилган юқори қўшилган қийматли тайёр кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмлари ҳамда турларини кўпайтириш, шу мақсадда хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 15 июнда қабул қилинган “**2016 - 2020 йилларда минерал-хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш негизда экспортга йўналтирилган тайёр кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги ПҚ-2547-сонли Қарори муҳим

³ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг www.stat.uz сайти маълумотлари.

аҳамиятга эгадир. Қарорга кўра, минерал-хом ашё ресурсларини қайта ишлаш негизида экспортга йўналтирилган тайёр кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг Республикада ишлаб чиқарилмайдиган, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхатлари бўйича четдан келтириладиган технологик ускуналар, бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлари 2021 йилнинг 1 январига қадар бўлган муддатда божхона тўловлари тўлашдан озод қилинган. [9]

Саноатни модернизациялаш ва диверсификациялаш, рангли ва нодир металлларнинг ғоят бой минерал-хом ашё ресурсларини янада чуқур қайта ишлаш, шу мақсадда хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш асосида ташқи бозорларда талаб қилинадиган юқори қўшилган қийматли *тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш ҳажмлари ҳамда турларини кенгайтириш* мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 20 майдаги **“2016 - 2020 йилларда рангли ва нодир металлларни чуқур қайта ишлаш негизида экспортга йўналтирилган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги ПҚ-2533-сонли Қарори долзарбдир. Ушбу Қарорга кўра, рангли ва нодир металлларни чуқур қайта ишлаб, экспортга йўналтирилган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг четдан келтириладиган технологик ускуналар, бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлари 2021 йилнинг 1 январига қадар бўлган муддатда божхона тўловлари тўлашдан озод қилинган. [10]

Корхоналарда замонавий ва жаҳон даражасида муваффақиятли синовдан ўтган технологияларни илдам суръатлар билан ўзлаштириш, саноат тармоқларининг барқарор ривожланишини ва *экспорт салоҳиятининг ўсишини таъминлаш*, шунингдек, энергия самарадорлиги ва энергия тежамкорлиги стандартларининг иқтисодий фаол татбиқ этилишини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрдаги **“Саноат тармоқлари корхоналарининг жисмоний ишдан чиққан ва маънавий эскирган машина-ускуналарини жадал янгилаш, шунингдек, ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”** ги ПҚ-2692-сонли Қарорига кўра, жисмоний ишдан чиққан ва маънавий эскирган ускуналар ва жиҳозларни эксплуатациядан олиб ташлаш ҳамда янгилаш доирасида олиб келинадиган технологик ускуналар, материаллар ва бутловчи буюмлар 2021 йилнинг 1 январига қадар божхона тўловларидан озод қилинган. [11]

Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини бошқариш тизимининг самарадорлигини ошириш, хом ашёни қайта ишлашни чуқурлаштириш, илғор технологияларни жорий этиш, *ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини диверсификациялаш ва экспорт қилинадиган товарларни кенгайтириш* асосида уларнинг жадал ривожланиши учун шарт-шароит яратиш, шунингдек, 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил рўёбга чиқариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил

3 майда қабул қилинган **“Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги ПҚ-3693-сонли Қарори бугунги кунда ўз аҳамиятли жиҳатлари билан ажралиб туради. Мазкур Қарорга кўра, «Ўзчармсаноат» уюшмаси аъзолари - ташкилотларга 2023 йил 1 январга қадар муддатда қуйидаги кўринишдаги солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар берилди:

- фойда солиғи ва мол-мулк солиғи, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловини тўлашдан озод этилди;

- белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича импорт қилинадиган, Уюшма аъзолари - ташкилотлар томонидан ўз ишлаб чиқаришида фойдаланиладиган асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, республикада ишлаб чиқарилмайдиган хом ашё, материаллар ва фурнитура учун божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод этилди;

- юқоридаги тасдиқланадиган рўйхатларга киритилмаган, ўз ишлаб чиқариши учун зарур бўлган асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, хом ашё, материаллар ва фурнитураларни импорт қилишда божхона декларацияси қабул қилинган кундан бошлаб божхона тўловларини (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) тўлашни 60 кунга қадар муддатга кечиктиришга руҳсат берилди. [12]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ташқи бозорларда маҳаллий товарлар экспорт қилинишини рағбатлантириш ва рақобатдошлигини таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2017 йил 15 декабрдаги ПФ-5286-сонли Фармони ва «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 17 апрелдаги ПҚ-3671-сонли Қарори ижросини таъминлаш ҳамда иқтисодиёт тармоқлари ва *Республика ҳудудларининг экспорт салоҳиятини ошириш* мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 августдаги **“Донни қайта ишловчи корхоналарни қўшимча равишда қўллаб-қувватлаш ва уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги ВМҚ-684-сонли Қарори қабул қилинди. Қарорга кўра, 2018 йилнинг 1 сентябридан бошлаб донни қайта ишловчи корхоналарнинг маҳсулотлари учун қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ солинадиган айланма тушум ҳажмидан дон қийматини чиқариб ташлаб ҳисоблаш тартиби жорий этилди. 2020 йилнинг 1 январига қадар Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган дон маҳсулотлари божхона тўловларини (божхона йиғимлари бундан мустасно) тўлашдан озод этилди. [13]

Товарлар ва хизматлар экспорти ҳажминини тубдан ошириш, экспортбон маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш, ташқи савдо мувозанатини таъминлаш ва валюта тушумларини кўпайтириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 декабрдаги **“Экспортга кўмаклашиш ва уни рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари**

тўғрисида”ги ПҚ-4069-сонли Қарорига кўра, тадбиркорлик субъектларига қуйидагиларда ҳар томонлама кўмаклашиш белгилаб берилди:

- юқори қўшилган қийматга эга экспортбоп рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, хизматлар (туристик, тиббий, таълим, транспорт, қурилиш ва бошқалар) экспорти ҳажмини кескин ошириш ҳамда уларни кўрсатиш учун тегишли инфратузилмани жадал барпо этиш;

- ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни етказиб беришда ҳамкорларни излаш ҳамда ташкилотлар ва корхоналар билан шартномалар тузиш. [14]

Шунингдек, экспорт фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш қисмида экспорт қилувчи корхоналарни молиявий ресурслар билан таъминлаш, ноҳомашё экспорт ҳажми, миллий экспорт қилувчилар ва уларнинг маҳсулотларини сотиб оладиган мамлакатлар сонини оширишга кўмаклашиш; миллий маҳсулотларни хорижий ваколатли органлар томонидан расмийлаштирилиши орқали стандартлаштириш ва сертификатлаштиришнинг ҳам республикадаги, ҳам хориждаги халқаро тизимларини жорий этиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш мақсадида экспорт қилувчи корхоналарга мақсадли молиявий ёрдам кўрсатиш; молиявий қўллаб-қувватлаш ва миллий экспортни суғурталашнинг замонавий механизмларини муваффақиятли қўллаган хорижий мамлакатлар тажрибасини инобатга олиб, шу жумладан халқаро молиявий институтларни жалб қилган ҳолда экспортни ва экспортни молиялаштириш, экспорт кредитлари ва таваккалчилигини суғурталаш механизмларини жорий этиш ва бошқа муҳим вазифалар белгиланди.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилишда **экспорт қилувчи корхоналар фаолиятини молиявий рағбатлантириши масалаларини янада такомиллаштириши** мақсадида қуйидаги таклифларни келтириш мумкин:

- экспорт қилувчи корхоналар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш воситалари ривожлантириш орқали экспортни ва экспортни молиялаштириш механизмларини яратиш;

- турли хил хизмат турлари экспортини ташкил қилиш, уларни амалга ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этишни жадаллаштириш;

- ташқи бозорларда рақобатбардош бўлган юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш;

- юқори технологияли ускуналарни, янги турдаги техника ва технологияларни ишлаб чиқарувчи ҳамда ўз маҳсулотларини экспорт қилувчи маҳаллий хўжалик юритувчи субъектларга кўшимча имтиёз ва преференцияларни кўзда тутиш;

- экспорт операциялари билан шуғулланувчи модернизация, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнларини амалга оширувчи корхоналарга кўшимча имтиёз ва преференцияларни тақдим этиш механизминини янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //Халқ сўзи, 28.12.2018.
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг www.stat.uz сайти маълумотлари.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 20 мартдаги “Экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-1411-сонли Фармони.// Lex.uz. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 ноябрдаги “Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5587-сонли Фармони.// Lex.uz. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
5. Bruton Henry J.A. Reconsideration of Import Substitution.//Journal of Economic Literature,1998. № XXXVI: 903-936.
6. Edwards S. Openness. Trade Liberalization and Growth in Developing Countries.// Journal of Economic Literature,1993. № XXXI: 1358-1393.
7. Климов Р. Роль экспорта в Российской экономике. Сборник научнқх трудов “Проблемы развития рыночной экономики” ИПР РАН М., ГУУ, с.48-63.; Пахомов А. Экспорт прямых инвестиций из России: очерки теории и практики. М.: ИЭП им. Е.П.Гайдара.- 368 с.; Жаринов А. Основные принципы, функционирования организаций по поддержке экспорта. Российский внешнеэкономический вестник. №11, 2009 г., с. 16-23.
8. Шарипов Ф. Экспорт-импорт операцияларини солиққа тортишни такомиллаштириш масалалари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис.автореферати. – Т. БМА. 2008 й. Камилов М. Қўшилган қиймат солиғини ундириш механизми ва уни такомиллаштириш. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис.автореферати. – Т. БМА. 2007 й. Абдикаримова Д. Банк кредитлари гаров таъминотини баҳолаш амалиётини такомиллаштириш йўллари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис.автореферати. – Т. ТМИ. 2018 й.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 15 июндаги “2016 - 2020 йилларда минерал-хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш негизда экспортга йўналтирилган тайёр кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2547-сонли Қарори.// Lex.uz. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 20 майдаги “2016 - 2020 йилларда рангли ва нодир металларни чуқур қайта ишлаш негизда экспортга йўналтирилган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2533-сонли Қарори.// Lex.uz. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрдаги “Саноат тармоқлари корхоналарининг жисмоний ишдан чиққан ва маънавий эскирган машина-ускуналарини жадал янгилаш, шунингдек, ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-2692-сонли Қарори.// Lex.uz. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 майда қабул қилинган “Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3693-сонли Қарори.// Lex.uz. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.// Lex.uz. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 августдаги “Донни қайта ишловчи корхоналарни қўшимча равишда қўллаб-қувватлаш ва уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ВМҚ-684-сонли Қарори.// Lex.uz. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 декабрдаги “Экспортга кўмаклашиш ва уни рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4069-сонли Қарори.// Lex.uz. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.